



СОМ ИБН ЛУХСОМ ИБН НУХ АЛАЙХИССАЛОМ ЗИКРИ

Илгари баъзи таворих сохиблариданки, пайгамбар унинг расулидир, аксар анбиё, ахли эрон ва араб ва ажам унинг наслидандир, шундай ёзадилар, Хазрати Нух алайхиссалом ўз авлодига рубъи маскунни таксим килганда Шом, Жазира, Ирок, Форс, Хуросон, Озарбойжон аксар Васатия маъмур мамлакатларини Сомга берган эди. Сомни валиахд тайинла-ганди. Айтишларича, Сомнинг 9 ўгли бўлган. Биринчиси Хуршид, иккинчиси (в. 106) Арфахшад, учинчиси Каюмарс, тўртинчиси Усвад, бешинчиси Тураж, олтинчиси Лавуд, еттинчиси Алим, саккизинчиси Арам, тўккизинчиси Навард. Баъзиларнинг айтишича, Хуршидни Сомнинг фарзандлари каторига кўшмаганлар. Сомнинг фарзандларини саккиз нафар хисоблаганлар. Арфахшад ибн Сом Абуламбиё деб аташган. Зеро, кўпчилик анбиёлар алайхумуссалом, унинг наслидандир. Чунончи, унинг наслидан тўрт пуштдан кейин Кахтон ва Койеъ келадилар.

Айри кавми Койеъ уругидандир. Аксар араблар Кахтон уругидан. Учинчи пушт Сабога етади. Арабларнинг хамиди, Тамми, аъони, казоъи, ашъари, урви, тойи (уруглари) Сабо наслидандир. Алим ибн Сомки, уни Олим ёки Махлим ҳам деб атайдилар, Хуристонни таъмир килди. Хуросон ва Хакёл унинг ўгилларидир. Ирок Хуросоннинг ўглидир. Кирмон, Кач, Мукрон мазкур Хакёл ўгилларидир.

Каюмарс ибн Сомки, Ахвоз ва Пахлу унинг ўгилларидир ва Форс Пахлунинг ўглидир. Навард ибн Сомки Озарбой-жон, Орон, Арман, Мугон, Казъон, Фаръон унинг ўгилларидир. Айтишларича, 300 йил умр кўрган. Арам ибн Сом Соъ тузуклари уникидир. Од, Самуд кавмлари унинг уругидан-дир. «Низомут-таворих» сохиби ривоятига кўра, Арамнинг етти ўгли бўлган. Од, Самуд, Заххор, Тасам, Жадис, Жосим, Тозиъо (Арам), Яман заминига кетган. Унинг авлоди кўпайганлар ва ўша диёрда макон тутганлар. Уларнинг меҳтари Ямлик ибн Од ибн Арам ибн Сом ибн Нух алайхиссалом эди. У ўлгач, Шадид ва Шаддод уларга шаханшоҳ бўлди.

Самуд Хижоз ва Шом оралигини ватан килган.

Тасам Уммон ва Бахрайнга тушди. Жабдош Ямома ерларига тушганди. Заххор Тай ерларини, Жосим Харам ва Санавон оралигини, Тоз бувайхийларга мансуб ерларни ватан килди.

Асуд ибн Сом ибн Нух алайхиссалом Нетуйи шахрини бунёд этган. Ажаса, Аклама, Мадойин. Яман, Шом ва Рум унинг авлодидир. Тўраж ибн Сомки, отасидан олдин оламдан ўтди (в. 11а).

Лоуд ибн Сомки, баъзилар уни Лоду, бошқалари эса; Лавоза деб атаганлар, у аксар Миср фиръавнларининг бобоси ҳисобланади.

ХОМ ИБН НУХ АЛАЙХИССАЛОМ ЗИКРИ

Тарих китобларида унинг оиласи аҳли мазкур ва мастурдир. Хом ибн Нух алайхиссалом пайгамбари мурсалдур ва бу йўлда собиткадам бўлди. Аммо тамоми Сипохон унинг наслидандир. Айтишларича, ерларни таксимлаш даврида замин у мулк маъмур бўлган. Магриб диёри ва Хабаша шаҳарлари, Занах, Хиндустон ороллари, Хинду Синд ва Судон Хом хиссасига тушган эди. Ҳақ таоло унга тўққиз қарамли ўғил берди. Уларнинг исмлари бундай: Хинд, Синд, Занч, Нубах, Канъон, Куш, Каъсо, Барбар, Хабас. Ҳар қайсисининг номи билан бир вилоят аталди. Хомнинг ўрнини унинг олти ўғли баён этади. Синднинг ўғли Хинд, Нубонинг ўғли Хабаш, Канъоннинг ўғли Барбар деб айтадилар. Баъзи тафсириларда ёзилишича, Нух алайхиссалом фарзандлари ва бошқаларга амр қилганки, кемада ҳеч қим (бир-бирига) яқинлик қилмасинлар. Одамлар орасидан Хом фармонга ҳилоф равишда ўз жуфти ҳалоли билан жимоъ қилди. Унга эргашиб ёввойи ҳайвонлар: ит, шунингдек, мушук ўз жуфти билан қўшилдилар. Чунончи, ит ва мушук бир-бири ҳақидаги шаходати қиссаси машҳур. Маъруф Хомни Ҳақ таоло пайгамбарликни икки сабабга қўра, унинг наслидан узиб қўйди, бири пайгамбари мурсал улувалазм сўзига, иккинчиси отаси амрига ҳилоф иш қилгани учун. Бу воқеадан кейин Хом пуштидан унинг хотинлари қорнида ҳосил бўлган ҳомилалар ҳамманинг (юзини) қора қилди. Баъзилар фикрича, Ҳазрати Нух алайхиссалом дуоси бўйича бўлган. Ит мушук билан жуфтлик қилганда, Ҳазрати Нух алайхиссаломга игво қилади. Ит шарманда бўлиб, Ҳақ субҳона ва таолога нбла қилдики, ҳақ таоло мушукни ҳам розини қош, ит ва кема аҳли устидан маълум қилгай. Ҳазрати Нух алайхиссалом мушукка итоб қилдики нега бундай қилиқ қилдинг? Жавоб берди: «Сенинг ўғлинг Хомга эргашдимки, у биринчи бўлиб бу ишни қилди». Бу жавоб бўйича аҳволни таҳқиқ қилди. Билди ва уни дуои бад қилди. Юқорида айтилганидек, пайгамбарлик унинг наслидан бекор қилинди (в. 116).

ЁФАС ИБН НУХ АЛАЙХИССАЛОМ ИБН ЛАМК ИБН МАТУЛУХ ИБН АХНУХ ИБН БАРД ИБН МАХЛОЙИЛ ИБН КАЙТОН ИБН АНУШ ИБН ОДАМ САФИЮЛЛОХУ САЛОВОТУЛЛОХ АЛАЙХИ ВА АЛО АЖМИЪ АЛ-АНБИЁ АЛ МЎЪМИНИН АЖМАЪИН ЗИКРИ

Ёфас ибн Нух алайхиссаломни баъзилар ҳилоф (таъ-риф) қилганлар. Аксар уламо ва қибора машойих ривоятларига қараганда Пайгамбар мурсал саҳобалари сўзига қараганда, Ҳақ Субҳон ва таоло унга 9 ўғил ато қилган: биринчиси Турк, иккинчиси

Хиброз, учинчиси Саклоб, тўртинчиси Рус, бешинчиси Мунсак, олтинчиси Чин, еттинчиси Гумори, саккизинчи Кимол, тўккизинчи Мозух.

Баъзилар Ёфас алайхиссалом саккиз ўгилнинг отаси бўлганини ёзадилар: Кемол ва Киморини бир шахс деб биладиларки, икки ном билан машхур бўлган. Айтадиларки, бу ихтилофли ривоятдан катъи назар, Хазрати Нух алайхиссалом хар уччала ўгли барча ўз авлодлари билан миллатнинг дастлабки ахволи даврида бир неча йил Бобил шахрида ва биргаликда умрбасарлик килганлар. Хар бир ўгилдан хар тарафда шўьбалар ва тоифалар хосил бўлди. Улар билан ожизроклари ўртасида ихтилофлар келиб чикди. Окибатда Хазрати Хак субхона кечаларнинг бирида хар шўьба учун каромат килди. Тонг отганда (уйкудан) турганларида хар шўьба бир-бирларининг тил лугатларидан кутулган эдилар. Иложсиз хар бири отаси ва бобоси ишорат килган томонга таркалганлар. Хар бир шўьба ўзи бир жойда карор топдилар ва (у ерларни) обод килишга харакат килдилар. Токи бугунги кунда уларнинг хар бири бу шаъндан бир шахар, кишлок мавжуд эди. Унинг ахли ва авлоди бўлган. Шундан кейин маълум муддатгача Кодир ул-иттилок иродаси билан ўз обу хўреши кисмати халклар, турли сабаблар билан, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, сокин бўлганлар. Наслда келишмовчиликлар хам пайдо бўлди.

Бошка бир ривоят шундайки, бутун ер юзи Хазрати Нухники бўлгандан кейин алайхиссалом жахонни уч кисмга бўлди. Чунончи, Машрикдан Магрибгача бўлган ерларни, хатти устуводан шимол томон ерлар: Бир бўлак маъмур оролларки, хатти устувоннинг жанубида эди ва Чин бахри билан Хинд бахри оралигидаги ерлар, оламнинг рубъики, хозир Бабри Хабаша номи бидан машхурдир, билан тугаганди, Бахри Чин сохилларидан, (в. 12а) учинчи иклим учдан биригача чўзилган ерлар, кенглиги то Магрибнинг Холидот оролларигача, узунлиги бешинчи иклим 1/3 гача, одамлар яшайдиган ўрталиқнинг кенглигича (ерлар) Сомга берилган эди.

Ёфас алайхиссаломга Чин Машрикининг бошка мухитлари, Комарун тоглари ва рус ерлари охиригача чўзилган ок чўккилар ва бешинчи иклимнинг колган 1/3 кисми то маъмур ерларнинг охиригача ва Шимолнинг зулуммотигача ерлар бахш этилганди. Шуниси равшандирки, бу барча халойик хозир оламда мавжуддирлар. Бу Хазрати Нух алайхиссаломнинг уч ўғлону авлодидандирлар. Айтади-ларки, Туронзамин ва Туркистонни Ёфас алайхиссалом ўзига асраб кўйганди. Шу сабабли уни Абут-турк дейишган. Эронзамин ерлари ва Ажам ерлари, Охвоз Сом алайхисса-лом улушига тушганди. Шу жихатдан уни Абулажам деб атаганлар. Хиндустон нохиялари, Судан мамлакати Хом ихтиёрида эди. Уни Абулхинд атаганлар. Хазрати Нухнинг тўнгич ўгли Ёфас эди, алайхумуссалом. Хак таоло уни расуллик ташрифига мушарраф килди. Ва ушбу мусаввада-ки, «Шажаратул-атроқ» аталур, у икки биродар зикридан зиёда бўлмагай. Ва биллох тавфик ва алайхи ут-таколон ал-ахдаталар-рови. Замонанинг ахбор ровийлари ва таворих арбоблари шундай ёзадиларки, рўй-замин Нух алайхиссалом авлоди ва ахфоди томонидан эгалланиши билан, улар зурриёди хамда хешларининг хар бири ўртасида ибратли тартиблар, эътиборга лойик коидалар кўрина бошлади. Хазрати Раббулъиззати Жалли Жалола улар дилини илхом билан бойитди. То мамлакат пешволиги расму русумлари бунёдини этарлар.

Ёфас ибн Нух алайхиссалом Жуди тогидан нузул этгач, Хазрати хак Жалли ало амри билан Машрик томон жўнади. Ўз падари бузрукворидан рухсат олиш хангомида, ундан дуо ўргатишларини сўради. То Хазрати Кодир ало алатлокдан ёмгир ёғишни сўрагай. Нух алайхиссалом унга исми аъзамни ўргатди. У исми аъзамни бир тошга накш килиб

Ёфас алайхиссаломга топширди. Ёфас (в. 126) алайхиссалом ул исми аъзам баракоти ва сирларин ўша Хазрати бори таолонинг буюк номи накш килинган тошни хар чок ёмгир ёғишини истаганларида келтирар эдилар. Бугунги кунда ҳам турклар орасида ёмгир ёғдирувчи тош мавжуд. Ул тошни Жада тоши, Яда тоши деб атайдилар. У арабчасига Хажарул-мутур дейилади. Хозир ундай тошларни хайвон корнидан оладилар. Баъзи хайвонларнинг ошкозонидан, баъзилари-нинг юраги, жигари ва гўшtidан, киндиги ҳамда пўсти остидан, хулласи жамики аъзоларидан топишади. Кайсиси хакикатлиги номаълум. Аммо халойик орасида жуда кўп накллар юради. Баъзиларнинг айтишича, Хазрати Ёфас алайхиссалом ўз падари бузрукворидан Хазрати Нух бохиюллох ало набийино ва алайхумуссаломдан рухсат олганлари хангомида илтимос килган эдиларки, мени шундай жойга амр килинги, у ерда хайвонот билан яшашим лозим бўлсин, хайвонларни ботиний ишлар вакили килсангиз, ёмгирдан хабар берувчи.

Хуллас, меҳрибонлик дуосини айтдиларки, қачон ёмгир ёғишига хожат пайдо бўлса, хазрати кодири зулжалол юборур.

Хазрати Нух алайхиссалом дуо килдиларки, то ҳақки субҳона ва таоло хабар берурки, ё Нух, Одам алайхиссалом яратилмасдан бурун мавжудотни яратилгани тақдир килинган. Тош махлукдирки, қору ёмгир ёғдириш, шамол эсдириш, туман тушириш, булут пайдо килдириш, у билан боглик бўлгай: уни олам ашёлари орасида мухтафи килган эдик.

Илгарирок уни хайвонот аъзосига ва вақтга (богладик). Унинг зуҳури сенинг дуойингга боглик эди. Энди ўшал тошни олгин ва ўз фарзандларингга бергин. Қачон ёмгир ё қор иташса, бизнинг исми аъзамни ўқийдилар ва у тошга дам урадилар, сувга ташлаб амал киладилар. Худованд қудрати ҳазинасидан қанча хоҳласалар баҳравар килинг. Хуллас, Хазрати Нух алайхиссалом ёмгир дуосини Ёфас алайхиссаломга таълим бердилар ва ўша тошни кўрсатдилар.

Машойихлар жумҳури қибора таворих арбобларига кўра, ривоят қилишича, Хазрати Ёфас алайхиссалом пайгамбари мурсал бўлдилар (в. 13 а). Ул хазратга нозил бўлган қитобларда ўша орада яда илми ҳам зикр этилган эди. Чунонки, Хазрати Одам алайхиссалом сифрида харфлар, Хазрати Идрис алайхиссалом муқаддас қитобида илми нуҷум, Хазрати Иброҳим алайхиссалом қитобида санок илми (илми аъдод), Мусо алайхиссалом Тавротидида илми санъат ва тиб, Хазрати Дониёл алайхиссалом муқаддас қитобида илми рамали ало хиндул-қиёс (битилгандир). Бу энг қудратли сўздир. Хар тақдирда ҳам илми Яда моддасида Хазрати Ёфас ибн Нух алайхиссалом Маширик мамлакатларида шитоб килгандир. Саҳронишинлар тариқида соқит бўлди. Таҳсинга лойиқ ҳусну қоида русумларини ўз фар-зандлари орасида қолдирди. Ажали мавҳуди етишгач, бу марҳаладан кўп офатлар йўқолди ва вафот этди. Унинг бузруквор авлодики, хар бири саййид қавм ва меҳтар бир гуруҳ эдилар, хар бири падари амри ва васиятига кўра, таҳти» тасарруфларида бўлган томонларга тарқалиб қетдилар ва мамлакатдорлик асосини қўйдиларки, бугунги кунда хар бири хушсийрат ўша халқ номи билан бир вилоятга мансуб бўлдилар. Ота жанозасини ўғил ва набиралар иззат-икром билан тупрокка топиришлари билан қичик биродарлар ўз улуг акалари Турк ибн Ёфас алайхиссалом< уйига қелиб таъзиятни охирига етказдилар. Ҳаммалари иттифоклик кўргизиб, Турк ибн Ёфасни ўзларига ўғил санадилар ва Ёфас ўғлон деб атадилар.

ТУРК ИБН ЁФАС ИБН НУХ АЛАЙХИССАЯОМ СУЛТОНЛИГИ ЗИКРИ

Туркни унинг тамоми халки Ёфас ўғлон деб атай бошлагач, ўзларига меhtar ва сардор килиб сайладилар. Турк отаси ўрнига коиммаком бўлди. Хуш расм-русумлар, тахсинга лойик тартибларни ўз кавми ўртасида ўрнатди. Айтадиларки, Турк ибн Ёфас алайхиссалом Каюмарс замрндоши бўлган. Каюмарс форс мамлакатла-ри биринчи султони бўлганидек, инчунин Турк Машрик диёри хоконларининг биринчи коонидир. Накл килишларича, багоят окил ва боадаб ва хунарманд чбўлган. Кейин (ўзининг) бутун вилоятларини сайр килиб, кезиб чиккан. Багоят хуш жойни топдики, уни Жоилгон дейдилар. У ерда бир кичик дарё бўлган, унинг суви иликх. атрофида гўзал тогликлар кўп бўлган. Ширин сувли чашмаларга мўл бўлиб, Туркнинг табъига жуда хуш ёккан. Шу ерда яшай бошлаган. Худойи таоло асосдорлик (в. 13 б) кўргизиб, Хакка ибодат килишни тарк этмади, хайру эхсон кўлини халойикка очди. Хонлик расм-русуми ва жахондорлик коидаларини биринчи бўлиб Машрик мамла-катларида ижро этди. Айтадиларки, Чин мамлакати сархадиданки, уи Хонжу деб атайдилар, асосий ерлар, масалан, Туркистон замин мамлакати чегараларигача унинг ҳукумати кўли остида эди. Хиргох удуми унинг ихтиролари-дандир. Жамиъи турклар орасида инъом килиш (одатини) ўрнатди. Одил ва комил, кўнгилчан подшоҳ бўлган, дейишади. Раъият борасида кўп риоят килган. Чунончи, шу нарса хакикатки, Худойи таоло бандалари унинг замонида айни осойишталикда ва тинчликда яшаганлар. Унинг беш ўгли бўлган. Биринчиси Абилча, иккинчиси Тунг, учинчиси Чигил, тўртинчиси БарсХор, бешинчиси Атлок. Таомга туз солмок Туркхон ибн Ёфас алайхиссалом даврида пайдо бўлди. Шундай хикоя киладиларки, бир куни шикоргоҳда Тунг ибн Турк ибн Ёфас алайхиссалом кўлидан иссик кабоб ерга тушиб кетади. Уша жой туз маъдани эди,. Шўр ерда иссик кабобга туз ёпишади. Тунг у лукмани огзига солганда бошкча лаззат берди. Энди бутун кабобни ўша тузга олуда килиб еди. Инилари ва отасини, аркони давлат ва хаммани бу лаззатдан хабардор килди. Шундан кейин хамма таомга кадрулкифоя туз соладиган" бўлдилар. Шунингдек, чорва ва вахший хайвонлар терисидан либос тикиб кийиш хам Турк хукмронлиги даврида пайдо бўлди. 240 йил умр кўргач, ўз отаси ва аждодидан ажралиб 'охират шахристонига кетди. Аммо, Харз ибн Ёфас алайхиссалом халим ва камгап эди. Хамма жойларни айланиб чиккач, Атал нахри бўйини ўзига манзилгоҳ танлади ва ёз ойлари сахрога кетарди. Томошо ва сайр киларди» Кишда шаҳарда яшарди. (Шу зайл яшаб) оламдан ўтди. Унинг авлоди ўша диёрда яшаб колдилар. Аммо, Саклоб ибн Ёфас алайхиссалом хаёсизрок одам эди. Бир жойда карори йўк эди. Инилари ва ўзи орасида вокеъ бўлган хусумат туфайли биродарларига якин жойдан макон тутмади-да, бир мулк чеккасидан манзил килди. Яргу сўраш одатини у чиқарган. Руслар одати шундай эдики, агар бир киши ўлса-ю, ундан (в. 14а) ўгил ва киз колса, бутун молу мулкни кизга бериб, ўгилга шамширдан бўлак ҳеч нарса(мерос) берилмасди. Бу унинг авлоди орасида расм бўлиб колди. Аммо Мунсик ибн Ёфас алайхиссалом маккор ва хийлагар одам эди. Булгор нахри бўйида яшади. Ўша сарзамин (одамлари) асосан шукдан тўрагандирлар. Барча кеккайганлар шунинг наслидандир. Улар турк кавмларининг бадтарларидандир. Айтишларича, Гар ибн Мунсик ибн Ёфас алайхиссалом унинг бобосидан колган ёмгир тоши устида амакиси Туркхон билан низоъ килган. Иичунин шундай бўлдики, Ёфас алайхиссалом вафотидан кейин тош Мунсик кўлига тушди. Мунсикдан олифта ва ман-ман Байгур деган ўгли бор эдики, хозирги туркманлар ўз шажараларини шу Байгур

ибн Гарга боглайдилар. Турк лашкарлари кўлида халок бўлди. Чунки, Гардан ёмгир тошини талаб килганида Гар узр еўраб ёмгир тошини бермаган, ўрнига бошка бир юмалок тошни алдаш учун ясаб жўнатганди. Гарнинг алдагани маълум бўлгандан кейин Турк лашкар тўплаб ўртада уруш бўлди. Байгур ўлдирилди. Шу кундан эътиборан туркманларнинг туркларга нисбатан душманлиги сакланиб қолган.

Баъзиларнинг айтишича, Ёфас алайхиссалом Мунсик-ка барча каллакесарларнинг, Яъжук-Маъжуж авлодининг бобосисан, деган. Аммо, Чин ибн Ёфас алайхиссалом хунароманд, хуштабиат, фаросатли ва мутафаккир одам бўлган. Бугунги кунда Чин номи билан машхур юртда яшади. Шахар қурилишига асос солди. Суратгарлик, ипак етиштириш, кийим тикиш хунарларини у бошлаб берди. Кўпчилик санъатларки бугунги кунда Чин ахли машгул-дир, унинг ихтиросидир. Унинг бир ўгли бор эди. Уни Мочин деб атадилар. Мочин ибн Чин ибн Ёфас алайхиссаломни гоётада оқил ва доно, бокифоят бўлган, деб ёзадилар. Унинг қавмлари кўпая бошлагач, отасига деди: «Агар ижозат берсангиз, ўзимга ёккан мавзеъда яшамок учун бир бино қурмокчиман». Ижозат олгач, бир шаҳар қурдики, ҳозир уни Мочин дейдилар. Яшма тоши Мочин маъданидан олинадди. Бу тошнинг ҳосиятини халққа тушунтирди. Мочин охусидан мушқ олишни бошлаган. Мочиндан бир ўғил тугилди. Уни бир қавм макри билан хон (в. 146) атадилар. У Навмисхон, ки Усмон ибн Атгарал ибн Сулаймонхоннинг энг обрўли боболаридан эди. Ҳозир у Рум мамоликида Хунқорол Усмон номи билан шухрат топган.

Аммо Гуморий ибн Ёфас ибн Нух алайхиссалом айёр, шикор дўст одам эди. Гуморий замонида синжоб, самур ва кокум лўстидан пўстин тикиладиган бўлди. Бартос ибн Гуморий унинг асосчисидир. Мазкур нарсалар унинг ихтироларидан ҳисобланади. Унинг икки ўгли бор эди. Бирининг номи Бартос, иккинчисини Булгор аташарди. Бартос ва Булгор иккаласи Адил қиргоғида ва Булгорда жойлашдилар. Улар зурриёди ўша жойда яшаб қолган.

Кимийёл ибн Ёфас алайхиссалом ибн Нух алайхиссалом зариф, латиф табъ одам эди. Каердаки кўнгли хушласа, ўша жойни гашт қилган. Унинг авлоди турк қавмлари орасида мирзотабиатликлари ва хушқасадлиги билан машхур эди.

Аммо Монеъ ибн Ёфас ибн Нух алайхиссалом хушхулк ва очиккўнгил одам эди. Ўз инилари орасида инсофлилик ҳислати билан шухрат топган эди. Комарун диёрида Чин мамлақати яқинида бино қилди. Авлоди ўша жойда тарқалишган. Олло таоло буларни тузукрок билувчидир. Уларнинг насаблари, ки бу жамоанинг барчаси Абутурк Ёфас алайхиссалом атрофида жамлашгандир ва лекин улар авлоди орасида фарқ кўпдир. Чунончи, ҳадду сифатдан ташқаридир. Баъзи тарихчилар тадқиқотларидан шу қарса аниқланганки, Ёфас ўғлони, Туркхон ибн Ёфас алайхиссалом Каюмарс ибк Сом ибн Нух алайхиссаломнинг ҳамасри эди. У Ажам маликларининг биринчиси га Каюмарси Одам номи билан машхурдир. Каюмарс одам аталишининг сабаби шулки, ёзишларича Ҳазрати Абул башар Одам халифатуллоху васаловотуллоху алайхга ўхшашликда ҳеч ким Каюмарсчалик мушобаҳат бўлмас экан. Шунинг учун ҳам уни Каюмарси Одам дейишаркан. Буни ҳамма тан олэркан. Ёфас ўғлон Туркхон хонлик расму одатларини ва Жаҳондорликда зобитликлари қоидаларини Машрик шаҳарла-рида ўрнатди. Бутун Туркистон заминда бир муддат фармонраволик ва мамлакатпи бошқаришни ама.тга оширди. (п. 15а) 240 ёшга етганда унинг тўнгич ўғчи Абулҷахонни халқ маслаҳати ва савоб усуллари юзасидан тахтга ўтказди. Ўзи бутун халқ билан видолашиб оламдан ўтди.

давоми бор